

## Халқаро ёзги мактаб ўз фаолиятини бошлади

Жорий йилнинг 10 июнь кунидан бошлаб Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти (ТИҚҲММИ)да Қозоқ-Немис университети ҳамда ТИҚҲММИ талабалари учун халқаро ёзги мактаб ўз фаолиятини бошлади. Мазкур халқаро ёзги мактаб ТИҚҲММИ ҳамда Қозоқ-Немис университети (ҚНУ) талабалари учун «Сув ресурсларидан фойдаланиш асослари: назария, амалиёт ва илмий тадқиқотлар интеграцияси» мавзусига бағишиланган. Курс АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги (УСАИД), Марказий Осиё минтақавий экология маркази (МОМЕМ), Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг (СХВ) ҳамкорликдаги «Сув, таълим ва ҳамкорлик» (Smart Waterpc) лойиҳаси доирасида ташкил этилган.



Ёзги мактабда иштирок этаётган ҚНУ талабалари Афғонистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ҳамда Туркманистон каби мамлакатлар вакиллариdir. Халқаро ёзги мактабнинг асосий мақсади – келгусида Марказий Осиё ҳудудида қўлланиладиган билим ва кўнилмаларни ҚНУ талабаларига етказиш ва уларнинг бу борадаги билимларини мустаҳкамлаш, ҚНУ ва ТИҚҲММИ талабалари ўртасида мулоқот майдонини яратиш ҳамда маҳаллий институтимизнинг илмий-техник салоҳиятидан фойдаланишдан иборат.



Ўқув машғулотлари юқори малака ва тажрибага эга бўлган ТИҚҲММИ нинг профессорлари томонидан назарий, амалий, лаборатория ва мустақил машғулотлар таъриқасида олиб борилади. Шунингдек, ирригация ва мелиорация объектлари, сувни тежовчи технологиялар ўрнатилган жойларда сайёр машғулотлар ўташлари кўзда тутилган.

Умуман олганда, икки ҳафталик ўқув курси мобайнида талабалар сув ресурсларини ҳавзалар даражасида бошқариш асослари, ирригацион тизимларнинг оқимларнинг оқиш қонунияти, гидротехник иншоотларнинг эксплуатациян ишончлилиги ва хавфсизлиги, насос станциялари ва насослар эксплуатацияси, сув тежовчи суғориш технологиялари сингари модуллар билан танишишади. Маъруза қисмидан ташқари иштирокчилар учун спорт-маданий тадбирлар ҳам тайёрланган. Халқаро ёзги мактаб 22 июня қадар давом этади.



**Халқаро ҳамкорлик бўлими услубчиси Акбар Ҳамралиев ахбороти**

**Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов**